

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**620 Жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини электрон ҳисобга олишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини электрон ҳисобга олиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадаллари тўғрисидаги маълумотларни яқка тартибда ҳисобга олишни жорий этиш чора-тадбирлари ҳақида» 2015 йил 14 апрелдаги 90-сон қарорига мувофиқ 2016 йил 1 январдан бошлаб, давлат солиқ хизматларига тақдим этиладиган солиқ бўйича ҳисоботлар асосида шакллантириладиган, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадаллари тўғрисидаги маълумотларни яқка тартибда ҳисобга олишнинг Марказлаштирилган электрон реестри ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин,

2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг жисмоний шахсларнинг меҳнат стажларини электрон ҳисобга олишга босқичма-босқич ўтиш тўғрисидаги қуйидаги тақдирларни маъқуллансин:

яқка тартибдаги тадбиркорларни, деҳқон хўжаликлари аъзоларини, қорамол ўстириш ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланаётган шахсларни ҳамда юридик шахс мақомига эга бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бошқа субъектлари бўйича — 2018 йил 1 январдан бошлаб;

қолган ташкилотлар бўйича — 2019 йил 1 январдан бошлаб.

3. Белгилаб қўйилсинки, меҳнат стажи (шу жумладан лавозим мавқеи, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик даврлари, меҳнат таътилидаги ва узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган даврлар) ҳақидаги маълумотлар ҳар бир жисмоний шахс бўйича иш берувчилар томонидан давлат солиқ хизмати органларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи таркибида тақдим этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазир-

лиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан биргаликда, бу борадаги илғор амалий тажрибаларни ўрганиш асосида, жисмоний шахслар меҳнат стажининг архивга оид маълумотларини, уларнинг кафолатланган сақланишини таъминловчи резерв сақлаш механизмини яратиш тўғрисида таклифларни 2017 йил охирига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан биргаликда — 2019 йилдан бошлаб, фуқароларга меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича давлат интерактив хизматининг Давлат интерактив хизматлари кўрсатишнинг ягона портали орқали тақдим этилишини жорий қилсин,

6. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 4 июль,
462-сон